

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯРАШОВ ШАРИФ ЖУМАЕВИЧ

**ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА БАДИИЙ ТИМСОЛЛАРНИНГ
ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Ярашов Шариф Жумаевич

Хусрав Деҳлавий ғазалларида бадий тимсолларнинг лингвопоэтик
хусусиятлари..... 3

Ярашов Шариф Джумаевич

Лингвопоэтические особенности художественных символов в газелях
Амира Хусрава..... 23

Yarashov Sharif Jumayevich

Lingvopoetic features of literary images in gazelles of Amir Husrav 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯРАШОВ ШАРИФ ЖУМАЕВИЧ

**ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА БАДИИЙ ТИМСОЛЛАРНИНГ
ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1219 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Имомназаров Муҳаммаджон Султонович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмедова Дилфуза Рафиқжановна**
филология фанлари доктори, доцент
Ҳомидов Дилмурод Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат ____ да мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail:rector) @samdu.uz.

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган) Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Д.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ж.Ҳамроев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бадий матн тилини структур-семантик нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва бу жараёнида статистик, компонент, қиёсий-тарихий, когнитив таҳлил услубларидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мумтоз шеърият тилидаги интертекстуал мақсадни англаш, шеърият матнидаги фалсафий ва тарихий атамаларнинг моҳиятини белгилаш, ирфоний-тасаввуфий истилоҳларнинг мантикий функциясини аниқлаш замонавий тилшунослик илмининг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода, мумтоз шеъриятга хос бўлган кўпқатламли рамзий ва мажозий маънолар силсиласини кашф этиш, бадий матн таркибидаги луғавий, ирфоний-тасаввуфий бирликлар сатҳини ёритиш тилшунослик илмининг тараққиётини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Дунё илм-фанида тилшунослик ва адабиётшунослик фанларининг интеграциялашуви натижасида филологик тадқиқот ишларининг янги типдаги лингвопоэтик ва лингвостилистик йўналишлари шаклланди. Бу йўналиш бадий асарнинг ҳам лисоний ва ҳам поэтик хусусиятларини синхрон тарзда тадқиқ этиш имконини юзага чиқарди ва охириги йилларда кўплаб янги илмий изланишларнинг вужудга келишига замин яратди. Шу боис, мумтоз шеърият тилининг адабий ва ижтимоий оқимлар ҳамда ҳаётий-реал воқеликларига боғлиқ маъно белгилари, сўз-тимсолларнинг этимологияси, уларнинг назарий ва лингвопоэтик асослари, тасаввуфий истилоҳлар тизимининг поэзияда тутган ўрни, шоирнинг яратувчанлик маҳорати ва ижодкорлик кудратини аниқлаш каби долзарб муаммолар дунё илмий жамоатчилиги олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори тилшунослик илмида ҳамда мумтоз шеърият тилини тадқиқ этиш борасида янги йўналишлар вужудга келди. Хусусан, бадий тилнинг луғавий хазинасини ўзида мужассам этган мумтоз шеърият тилидаги сўз-тимсолларнинг лисоний, ирфоний талқини, лирик асарларда луғавий ва семантик бирликларнинг компонент, когнитив, қиёсий-таърихий хусусиятлари долзарб масала сифатида қараб келинмоқда. Зеро, "... она тили-миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлагандек, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти – бу унинг миллий тили ва адабиётидир"¹. Бинобарин, форсва тожик тилларининг юксалиши ва ривожланишида энг муҳим тарихий даврлардан бири бўлган XII-XIV асрларда яратилган бадий матнлардаги сўз-тимсолларнинг лисоний, лингвопоэтик ва лингвомаданий хусусиятини янги-замонавий технологиялар асосида ўрганиш ва илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш долзарблик касб этмоқда.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // "Халқ сўзи", 2019 йил, 22 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бажариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижодий фаолияти бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган. Жумладан, Ҳ.Эте, Г.Тасси, Э.Браун, Ҳ.Дуда, Ҳ.Паул, А.Крмский, Б.Миллер, А.Генко, Е.Э.Бертельс ва И.С.Брагинский,¹ Ш.Нўъмоний, М.Ҳабиб, Ф.Ҳофиз, М.Икром, Ҳ.Бараний, С.Ашраф, М. Халил, М.Муин, З.Сафо,² Б.Ғ.Ғафуров, А.М.Мирзоев,

¹ Hammer. Geschichte der shonen Redekunste Persiens..., Wien, 1818, ss. 229-232; Carcin de Tassiy. Histoire de la litterture Hindiui et Hindou stani, tome I, Biographie et bibliographie. Paris, 1839, pp. 299-302; Эдуард Браун. Таърихи адабиёти Эрон аз нимаи қарни ҳафтум то охири қарни нўҳуми хичрӣ, тарҷума ва ҳавошӣ ба қалами Алиасғар Ҳикмат. -Техрон, 1948, 132-133 с; Herbert W Duda. Ferhad und Schirin die literarische geschichte eines persischen sagenstofies, Monographie archiven orientalische, vol. II. Praha, 1933, ss. 80-86; Horn Paul. Geschichte der Persischen Litteratur. Leipzig, 1901, s. 188; А.Крымский. История Персии, её литературы дервишеской теософии, т. III. М., 1914-1917, стр. 82-84; Б.Миллер. По поводу одной персидской рукописи, Казанский музейный вестник, №1-2. Казан, 1921, стр. 103-107; А.Н.Генко. Грузинская версия “Хосро и Ширин” Хосро Деҳлеви, ДРАН, серия В, июль-сентябрь, 1924, стр.138-141;Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965; Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избранные труды. – Москва: Наука, 1965; Брагинский И.С. Таджикская литература.-В кн. История литератур народов Средней Азии и Казахстана. -М.,1960, стр.66-67.

² Шиблий Нўъмонӣ. Шеър –ул-аҷам ё таърихи шуаро ва адабиёти Эрон. Чилди дуҷум, тарҷумаи Сайид Муҳаммад тақӣ Фаҳрии Доии Гелонӣ, -Техрон, 1327 шамсӣ, 77-149с; MuhammadHabib. Hazrat Amir Khusrau of Dehli. Bombay, 1927,р. 110; Фазлаҳмад Ҳофиз. Муқаддима, дар китоби Хусрави Деҳлавӣ, девони “Васат-ул-хаёт”. -Алигарх, 1917, сах.1-156; Шайх Муҳаммад Икрам. Исламӣ Ҳинду Покистон форсӣ шоириқа интиҳоб. Идораи матбуоти Покистон, Қарочӣ, 1953, 39-42, 113-133с; Сайид Ҳасани Баранӣ. Тамҳид, дар китоби Амир Хусрави Деҳлавӣ, Қирон-ус-Саъдайн, ба танкиди Муҳаммад Исмоил. -Алигарх. 1918, 1-66 с; Сайид Сулаймон Ашраф. Муқаддима, дар китоби Амир Хусрави Деҳлавӣ, Ҳашт биҳишт. -Алигарх. 1918-286 с; Муҳаммад Иброҳими Халил. Шарҳи мухтасари аҳвол ва осори Амир Хусрав. -Қобул, ақраби 1340; Муҳаммад Муин. Амир Хусрави Деҳлавӣ. Техрон, хурдои 1331 шамсӣ, 22 с; Забехулло Сафо. Ганчи суҳан,

М.Имомназаров, А.Қуронбеков, Т.Муҳаррамов, Ж.Мирсаидов, Ж.Додалишоев, З.Ғаффорова, С.Яздоний, М.Нарзикулов, Р.Тағоймуродов, Б.Мусаев, С.Ўлдошева, Жаъфар Ифтихор, Манижаи Давлатхожа Довудий, Ф.Низамова, Г.Тўйчиева, С.Шомухамедова, С.Сотиболдиева, З.Насуллаев ва Н.Нурзодлар¹ томонидан бу тўғрида илмий изланишлар олиб борилган.

М.Бақоевнинг бир қатор илмий-оммабоп мақолалари ва шу соҳадаги ноёб илмий рисоласида Амир Хусрав ҳаёти ва ижодий фаолияти бошқаларга нисбатан аниқ ва мукаммал тарзда таҳлил этилган.²

XX аср тилшунослик ва адабиётшунослик илмида Н.О.Османов³, Т.Зеҳний⁴, Р.Мусулмонкулов⁵, А.Қуронбеков⁶ ва М.Имомназаровларнинг⁷ айрим тадқиқотларида бадиий тимсолларнинг форс-тожик адабиётида тутган ўрни, Шарқ мумтоз поэтикасининг назарий масалалари, келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи борасида илмий изланишлар олиб борилган. Аммо бу тадқиқотларнинг барчаси адабиётшунослик илмидаги бадиий тимсоллар назариясига оид анъанавий ва умумий жиҳатларга оид бўлиб, ҳозиргача сўз-тимсолларга оид мукаммал илмий хулосалар айтилмаган.

Замонавий тилшунослик илмида “жомеъ луғати” (конкорданс) ва “мезон луғати” (частотный словарь) асосида ижодкор шеърят тили ва ўзига хос услуб тарзини мукаммал тарзда тадқиқ этиш урфга айланган бўлиб, бу соҳада яратилган Н.О.Османовнинг “Частотный словарь Унсури”(1970), М.Имомназаровнинг “Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав” достони лексикасининг статистик ва семантик тадқиқи” (1973), Р.Қ.Қўнғуров ва С.Каримовларнинг “Зулфия поэзияси тилининг луғати” (конкорданс) (1981), А.Қуронбековнинг “Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Оинаи Искандарий” достонидаги отлар туркумининг статистик ва семантик таҳлили” (1988) ва С.Мажидованинг “Абдурахмон Жомий ғазалларининг жомеъ луғати” (Тошкент 2017) луғатномалари бунинг исботидир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети,

шоирони бузурги порсигўй ва мунтахаби осори онон. Чилди дуввум, аз Низомӣ то Ҷомӣ. -Техрон, 1339 шамсӣ, 179-185 с.

¹ Ғафуров Б. Таърихи мухтасари халқи тоҷик. Ҷ.1. -Сталинобод, 1947, 274 с; А.Мирзоев. Сайидо ва мақоми ӯ дар таърихи адабиёти тоҷик. -Сталинобод, 1947, 32-38 с; Т.А.Муҳаррамов. Поэма “Меджнун и лейли” Амира Хосрова Деҳлеви, Автореф. канд. дисс., -Баку, 1964; Ж.Мирсаидов. Айна-йи исқандарий. Критический текст. -Москва, 1977; М. Бақоев. Ҷобулқо Додалишоев. Амир Хусрави Деҳлавӣ. Осори мунтахаб. Чилди чаҳорум. -Душанбе: Ирфон, 1975.

² Бақоев М. Ҳаёт ва эҷодиёти Хусрави Деҳлавӣ. -Душанбе: Дониш, 1975, 280 саҳифа.

³ Османов Н. О. Стиль персидско-таджикской поэзии (IX-X вв.). -М., Наука ГРВЛ, 1974, 268-296 стр.

⁴ Т. Санъати сухан. – Душанбе: Ирфон, 1981.-328 с.; Зеҳний Т. Хусрав ва забони тоҷикӣ: дар китоби Чанд сухани судманд /Т. Зеҳний. - Душанбе: Ирфон, 1984. -22-28 с.

⁵ Мусулмонкулов Р. Назарияи адабиёт. – Душанбе: Маориф, 1990.-334 с.

⁶ Қуронбеков А. Амир Хусрав Деҳлавӣ “Оинаи Искандарӣ” достонида исмлар туркумидаги сўзларнинг статистик-семантик таҳлили. Филол. фан. ном. дис. автореф. 1988.; Қуронбеков А. Парадигматический анализ семантической структуры “жон” ва “дил” в поэме “Оинаи Искандари” Амира Хосрова Деҳлеви. // Амир Хосров Деҳлеви. Сборник науч. статей. -Т., 1987, с.43-52.

⁷ Имомназаров М. Хусрав Деҳлавӣнинг “Ширин ва Хусрав” достони лексикасининг статистик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. ном. дис. автореф. 1975.; Имомназаров М. Хусрав Деҳлавӣ эпик ижодида бадиий метод ва поэтика масалалари. Филол. фан. док. дис. автореф. 1986.

илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Адабий жанрлар ва ижодий услублар хилма хиллиги» мавзусидаги амалий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Амир Хусрав “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазалларининг жомеъ (конкорданс) ва санама сўзлиги луғати асосида шоир лирик меросидаги сўз-тимсолларнинг лингвопоэтик, статистик, лексик, семантик ва ирфоний хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Амир Хусрав Деҳлавий лирик меросини ХХІ аср илми талаблари ва техник имкониятлари даражасида ўрганишнинг асосий мезонларига эътибор қаратиш;

шоирнинг “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазалларининг мавжуд танкидий матни асосида жомеъ ва санама сўзлик луғатларини тайёрлаш принципларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш;

жомеъ луғат асосида шоир ғазалларидаги энг фаол сўзларни аниқлаш ва уларга семантик жиҳатдан шарҳ ва изоҳлар бериш;

шоир ғазалларидаги сўз-тимсолларнинг мажозий, рамзий ва ирфоний-тасаввуфий маъноларини замонавий усуллар асосида очиб бериш;

Амир Хусрав шеъриятида бадиий тимсолларнинг ўрни, тузилиши, лингвопоэтик хусусияти ва шоирнинг бадиий тимсол яратиш маҳоратини аниқлаш;

сўз-тимсолларнинг луғатлардаги маънолар шарҳини қиёсий-типология жиҳатдан очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хусрав Деҳлавий лирик мероси, хусусан, “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазалларининг илмий-танкидий матни ва унинг асосида тайёрланган конкорданс ва частотали луғат асос қилиб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Амир Хусрав Деҳлавий ғазалиётида энг кўп қўлланилган: “дил” (кўнгил) 198, “кўз” (чашм) 86, “зулф” 84, “гул” 48, “ишқ” 31, турра (зулф) 13, “абру” (қош) 9 ва “гесў” (зулф) 4 сўз-тимсолларнинг бадиий хусусиятларини илмий-назарий ёритишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда маъно ва луғавий таҳлил, статистик таҳлил, компонент, қиёсий-тарихий, когнитив, лингвопоэтик ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазалларида *дил*, *жон*, *нуқта*, *савод*, *мактуб*, *ораз* (*юз*) ва *гесў* (*зулф*) сўзларининг ташбеҳ, истиора, мажоз ва талмеҳ каби бадиий санъатлар асосида ноанъанавий поэтик маъно касб этганлиги, ўзаро мантикий боғлиқлиги ва уларнинг умумий лексик миқдори аниқланган;

тасаввуф таълимоти ва унинг асосий ғояларини ифода этишда муҳим саналган *ишқ*, *хол*, *лаб*, *гул*, *абру* (*қош*) ва *чашм* (*кўз*) сўз-тимсолларнинг сўфиёна мазмун ва орифона оҳанглари, лексик ва ирфоний-тасаввуфий маъно талқинлари асосланган;

Амир Хусрав Деҳлавий ғазалиётида энг фаол сўз-тимсолларнинг этимологияси, семантик бутунлиги, шеърӣ мисра ва байтлардаги илоҳӣ сир асрор, тариқат риёзати, ҳақиқӣ ва мажозӣ ишқ рамзи, содиқ дӯст ва гўзал маҳбуба каби қўшма маъноларини аниқлаш тамойиллари далилланган;

“Тўҳфат-ус-сиғар” девони ғазаллари лексикасидаги бадиӣ тимсолларнинг аслий ва қўшма маънолари каби луғавӣ хусусиятлари ҳамда семантик, ирфонӣ-тасаввуфӣ, маданий-лексик қатламларнинг лингвопоэтик жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Амир Хусрав “Тўҳфат-ус-сиғар” девони ғазаллари асосида тузилган конкорданс шоирнинг қолган 4 девони жомеъ луғатини яратишда асосӣ илмӣ манба сифатида хизмат қилиш тамойиллари аниқланган;

шоир яшаб ижод этган даврда Ҳиндистон адабий ҳавзасида форс–тожик шеърӣ тилининг ривожланиш принциплари, шеърӣ тил меъёрлари, унинг лексик ва семантик хусусиятлари Хусрав Деҳлавӣ лирикаси мисолида очиб берилган;

Амир Хусрав Деҳлавӣ ғазалиётида “ишқ”, “дил”, “гул” ва “зулф” сўз-тимсолларининг Ҳофиз Шерозӣ ва Абдурахмон Жомӣ ижодиётида учратилмаган янги ва ноанъанавӣ маъноларда қўлланилганлиги исботланган;

диссертация натижалари тожик тили лексикологияси ва лексикографияси тарихини ўрганиш, форс ва тожик адабий тилига оид изоҳли луғатлар яратиш учун янги илмӣ назарӣ маълумотлар бериши, услубшунослик, тожик тили тарихи, бадиӣ матн таҳлили, этимология ва бадиӣ асар тили каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Хусрав Деҳлавӣ меросига оид маҳаллий ва хорижий мамлакатлар олимларининг илмӣ-назарӣ қарашлари ўрганилганлиги, тадқиқот қамровига шоир асарларининг илмӣ-танқидӣ матнлари ва улардан фойдаланилганлиги, тадқиқот усулларининг илмӣ мақсадга мувофиқлиги, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилганлиги, ишончли илмӣ-назарӣ манбалардан фойдаланилганлиги, фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмӣ ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмӣ аҳамияти шундаки, диссертацияда фойдаланган янги ва замонавий ёндашувлар бадиӣ матн таркибидаги сўз-тимсолларнинг лексик, семантик ва услубӣ хусусиятларини таҳлил этиш, уларнинг лингвопоэтик ва лингвостатистик асосларини аниқлашга доир илмӣ-назарӣ қарашларни бойитиш ҳамда семантика соҳасидаги илмӣ изланишлар самарадорлигини янада ошириш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги якуний хулосаларидан “Лексикология”, “Лексикография”, “Стилистика”, “Семантика”, “Луғатшунослик” ва “Этимология” фанларини ўқитишда олий

ўқув юртлари учун луғат, дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш ва такомиллаштириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хусрав Дехлавий ғазалларида бадий тимсолларнинг лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этиш асносида олинган илмий натижалар:

Амир Хусрав Дехлавийнинг “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазалларида дил, жон, нуқта, савод, мактуб, ораз (юз) ва гесў (зулф) сўзларининг ташбеҳ, истиора, мажоз ва талмеҳ каби бадий санъатлар асосида ноанъанавий поэтик маъно касб этганлиги, ўзаро мантиқий боғлиқлиги ва уларнинг умумий лексик миқдори ҳамда Хусрав Дехлавий ғазалларидаги умуминсоний қарашлар, миллий анъаналар ва урф одатлар, табиат манзаралари тасвири, Шарқ халқлари тамаддуни, хусусан, форсий ва тожик халқлари маданий ва маърифий мероси каби муҳим мавзуларнинг асл мазмун ва моҳиятини халқ оғзаки ижодига хос бўлган мақол, матал, ҳикматли сўзлар воситасида очиб бериш тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қарақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 22 июндаги 17-01/164-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиш орқали Амир Хусрав “Тўхфат-ус-сиғар” девони матни таркибида қўлланилган сўз-тимсолларнинг диалектик, этимологик, тарихий хусусиятлари ва маъно эврилишларининг асосий омилларини аниқлаш имконияти яратилган;

Тасаввуф таълимоти ва унинг асосий ғояларини ифода этишда муҳим саналган ишқ, хол, лаб, гул, абрў (қош) ва чашм (кўз) сўз-тимсолларнинг сўфиёна мазмун ва орифона оҳанглари, лексик ва ирфоний-тасаввуфий маъно талқинлари тўғрисидаги ҳамда “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазаллари лексикасидаги бадий тимсолларнинг аслий ва кўчма маънолари каби луғавий хусусиятлари ҳамда семантик, ирфоний-тасаввуфий, маданий-лексик қатламларнинг лингвопоэтик жиҳатлари ҳамда Амир Хусрав асарларида кўтарилган умумбашарий муаммолар, мавзулар кўлами, миллий қадриятларга оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телеканалининг “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён”, “Рангинкамон” туркумидаги кўрсатувларини тайёрлашда шоир шеъриятидаги юксак ғоявий мазмун, таълим ва тарбияга йўналтирилган мавзулар ва нуқталар тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телеканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 29 июндаги 02-12-1093 сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши телекўрсатувларнинг сценарийларини тайёрланишда бирламчи методологик асос бўлиб хизмат қилган;

Амир Хусрав Дехлавий ғазалиётида энг фаол сўз-тимсолларнинг этимологияси, семантик бутунлиги, шеърий мисра ва байтлардаги илоҳий

сир асрор, тариқат риёзати, ҳақиқий ва мажозий ишқ рамзи, содиқ дӯст ва гўзал маҳбуба каби кўшма маънолари тадқиқот асосида яратилган “Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Тўҳфат-ус-сиғар” девони конкорданси ва санама сўзлиги (частотали луғати)” номли луғат (978-99436427-4-4) асосида аниқланган бўлиб, мазкур луғат тожик тилшунослик йўналишида ўқувчиларнинг филологик билимларини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та Республика конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиш. Диссертация мавзуси бўйича илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, Амир Хусравнинг биринчи девони ғазаллари асосида 1 жилдлик жомеъ (конкорданс) ва частотали луғат– илмий-тадқиқий монография, 16 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 7 та мақола (5 таси Республика ҳамда 2 таси хориж журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг умумий ҳажми 161 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришқисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Амир Хусрав Деҳлавий адабий меросини ўрганишнинг долзарб масалалари**” деб номланиб, икки фаслдан иборат. Бобнинг “**Амир Хусрав Деҳлавий лирик меросининг ўрганилиш даражаси ва келгуси вазифалар**” номли илк фаслида шоир лирик ва эпик асарларининг жаҳон, тожик ва ўзбек адабиётшунослиги ҳамда тилшунослигида ўрганилиш даражаси атрофлича тадқиқ этилган бўлиб, асосий ишларга муносабат билдирилган.

Ҳозиргача тожик тилшунослик ва адабиётшунослик илмида Амир Хусрав Деҳлавий ғазалларида бадиий тимсолларнинг лингвопоэтик ва семантик хусусиятлари масаласига бағишланган алоҳида илмий тадқиқот ишини учратмадик. Таъкид жоизки, шоир ижодиётининг лисоний хусусиятлари ҳозиргача умуман ўрганилмаган. Аммо бу мумтоз адиб лирик ва эпик асарларининг бошқа жиҳатлари бир қатор хорижий ва маҳаллий хусравшунос олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган.

Амир Хусрав лирикаси, хусусан, ғазал жанри бир қатор хусравшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, тожик адабиётшунос олими Р.Тағоймуродов 2006 йили Амир Хусрав Дехлавийнинг 1996 йилда нашр этилган куллийти асосида “Метрика газелей Амира Хусрав Дехлави” мавзусида номзодлик диссертацияси ва 2015 йили “Литературно-теоретические вопросы поэзии и поэтики лирических жанров творчества Амира Хусрава Дехлави” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди.¹ Бундан ташқари, шарқшунос олима Г.Тўйчиева “Амир Хусрав Дехлавий ғазалларининг вазни (“Тўхфат-ус-сиғар” асосида)” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлашга муяссар бўлган.² Бу тадқиқот шоир биринчи девони ғазаллари вазн хусусиятлари тўғрисидаги биринчи ва ниҳоятда муҳим илмий манба ҳисобланади. Аммо бу илмий изланишларда ҳам шоир биринчи девони ғазалларининг лисоний, семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқ этилмаган.

Амир Хусрав ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир мукаммал тадқиқотлардан бири сифатида М.Бақоевнинг “Ҳаёт ва фаёлияти Амир Хусрав Дехлавий” номли рисоласи ва Босит Мусаевнинг проф. Ш.Шомухаммедов раҳбарлигида “Амир Хусрав Дехлавийнинг “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазалларининг текстологик тадқиқоти” мавзусидаги номзодлик диссертациясига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бу тадқиқотлар шоир шахсияти ва унинг ижодиёти мазмун ва моҳиятини комплекс ўрганиш борасида ҳозиргача яратилган ноёб илмий манба ҳисобланади.

Бу тадқиқотларда ҳам биз назарда тутган мавзу ўз ечимини топмаган. Зеро, бу тадқиқотларнинг барчаси манбашунослик, матншунослик ва адабиётшунослик илмлари нуқтаи назаридан амалга оширилган бўлиб, шоир ижоди тилшунослик, айниқса, лингвопоэтик нуқтаи назаридан етарли даражада ўрганилмаган. Тўғри, М.Имомназаров ва А.Қуронбековларнинг номзодлик диссертациялари тилшунослик масалаларига бағишланган, аммо улар ҳам шоирнинг эпик асарлари лексикаси хусусида бўлиб, шоирнинг лирик мероси тадқиқига бағишланган илмий изланишлари кўп эмас.

Амир Хусрав Дехлавий лирик меросини ўрганиш ва тадқиқ қилишнинг дастлабки энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири, бу шоир девонларининг тўлиқ ва ишончли илмий-танқидий матнларини тиклаш ҳисобланади. Токи шоир 5 девонининг танқидий матни яратилмас экан, шоир лирик ашъори тадқиқи мукаммалликдан йироқ бўлиши табиий. Демакки, бу соҳадаги илмий изланишлар чала-ярим бўлиб қолаберади. Маълумки шоирнинг 5 та девонидан шу кунгача фақат биринчиси - Б.Мусаев томонидан яратилган “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазалларининг илмий-танқидий матни мавжуд, холос.

¹Тағоймуродов Р. Метрика газелей Амира Хусрав Дехлави. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Душанбе, 2006. -стр. 32; Тағаймуродов Рустам. Литературно-теоретические вопросы поэзии и поэтики лирических жанров творчества Амира Хусрава Дехлави. Автореф. дис. доктор. фил. наук. -Душанбе, 2015.

²Тўйчиева Г. Метрика газелей Амира Хосрова Дехлеви (на примере “Тухфат-ас-сигар”). Автореферат канд. диссертация. -Тошкент, 1993.

Б.Мусаев изланишларининг сабаби шунда эдики, шоирнинг биринчи девони қандай аталиши маълум бўлса ҳам, унинг алоҳида қўлёзмаси дунё фондларида сақланиб қолганлиги маълум эмас эди. Бу ҳақда Б.Мусаев қуйдагича изоҳ беради: “Тўрт девондан ҳар бирининг алоҳида-алоҳида кўчирилган нусхалари мавжуд бўлса ҳам “Тўхфат-ус-сиғар”нинг алоҳида китобат қилинган нусхасини учратмадик.”¹ Шу боис Б.Мусаев Амир Хусравнинг биринчи девонига тегишли ғазалларни алифбе тартибидаги девон нусхалари ичидан ажратиб олишга мажбур бўлган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Хусрав эпик мероси турли давр олимлари илмий изланишларида атрофлича таҳлил этилган бўлиб, шоир лирикаси кўп жиҳатдан тадқиқ аҳлининг назарларидан четда қолган. Шоир лирик мероси тадқиқига оид юқорида кўриб ўтилган илмий изланишлар бундай қўламли адабий мерос учун мутлақо қониқарли эмаслиги аниқ.

Бобнинг “*Амир Хусрав Деҳлавий девонлари жомеъ луғати (конкорданси) ва санама сўзликларини (частотали луғатларини) тузиш муаммолари*” деб номланган иккинчи фаслида Амир Хусрав Деҳлавий девонлари конкорданси ва санама сўзлигини тузиш муаммолари, конкорданс луғатларнинг яратилиш тарихи, статистик усулни қўллашнинг аҳамияти, илмий ишнинг талабларидан бири – аниқликни амалга оширишда асосий усуллардан эканлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Жаҳон, ўзбек ва тожик тилшунослигида ҳозирга қадар яратилган конкорданс луғатларни қайд этиб, сўнгра шоир биринчи девони ғазалларининг жомеъ луғати (конкорданси) ва санама сўзлиги (частотали луғати) ни тузиш зарурати тўғрисида маълумот келтирилган.

Ҳозиргача Амир Хусрав Деҳлавий лирик шеърятининг конкорданс луғати бу соҳа тадқиқотчилари томонидан яратилмаган, шу боис дастлабки тажриба сифатида диссертация ишида шоирнинг “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазаллари жомеъ луғати ва санама сўзлигини тузиш мақсад қилиб олинди ва таниқли ўзбек матншунос олими Босит Мусаев томонидан яратилган мазкур девон ғазаллари илмий-танқидий матни мазкур девон юзасидан яратилган конкорданс луғатнинг асосий манбаси сифатида танланди.

“Тўхфат-ус-сиғар” девонининг 132 та ғазалидан 87 таси Хусрав, 20 таси Султоний таҳаллуслари билан ва қолган 25 таси таҳаллуссиз ижод этилган. Бизнинг жомеъ луғатимиз кириш, конкорданс, ғазаллар матни ва частотали луғатдан иборат. Луғатда ҳар бир мустақил сўз туркумининг морфологик шакли алоҳида сўзшакл сифатида келтирилди.

Конкордансда сўзлар кирилл алифбоси тартиби билан жойлаштирилди. Луғатда сўзларнинг умумий миқдорини ифодалаш учун аввал рақамлар тартиби, кейин сўз, сўзнинг ишлатилиш миқдори, ғазалнинг рақами ва байти кўрсатилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчимизки, бу жомеъ луғат Амир Хусравнинг барча ғазалларини қамраб олмаган, фақатгина “Тўхфат-ус-сиғар”

¹ Мусаев Б. “Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазалларининг текстологик тадқиқоти.” Ташкент, 1969, 23 б.

девони ғазаллари матни асосида тузилган бўлиб, у 132 ғазалнинг 951 байти матнида 11421 маротаба қўлланилган 1413 сўз (2887 сўзшакл) дан иборатдир.

Мазкур конкорданснинг афзаллиги шундаки, тадқиқотчи ушбу луғат ёрдамида сўзларнинг матндаги ишлатилиш миқдорини аниқлаб, керакли лексик бирликларни излаш учун шоир девонини бошдан охиригача varaқламасдан зарур бўлган сўз ишлатилган байтларни зудлик билан топиши мумкин. Қўлингиздаги жомеъ луғатни тузишдан асосий мақсад Амир Хусравнинг ўзига хос услуби, шоир асарлари тилини чуқур ўрганиш ва унинг тимсоллар яратилиш тарзи ва методларини мукамал даражада аниқлашда ёрдамчи материал тайёрлаб олишдан иборат.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Амир Хусрав Дехлавий лирикасида бадий тимсолларнинг қиёсий таҳлили”** деб номланган бўлиб, икки фаслдан ташкил топган. Унинг *“Тўҳфат-ус-сиғар”* девони ғазалларида *“дил”* (кўнгил) ва *“жон”* сўз-тимсолларининг қиёсий таҳлили” деб аталувчи илк фаслида мазкур девон ғазалларида *“дил”* ва *“жон”* тимсоллари қиёсий таҳлил этилиб, адиб ижодида бу сўзларнинг бадий тимсол даражасига кўтарилиши, мажозий, тасаввуфий-ирфоний характер касб этиши лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этилган. Бу сўзларнинг этимологияси бир қанча луғатлар ва тадқиқотчилар фикрлари асосидла шарҳланган. *“Дил”* ва *“жон”* сўзларининг луғавий маъносидан ташқари кўчма маъно ҳосил қилиши, маълум бир бадий санъатлар ҳосил қилишда иштирок этиши (масалан, ташхис, ташбеҳ, истиора, таносиб), синоним, антоним, омоним шаклларда ишлатилиши ҳақида фикрлар билдирилиб, Амир Хусрав Дехлавий ғазаллари мисолида исботланган.

Диссертацияда илк маротаба Амир Хусрав *“Тўҳфат-ус-сиғар”* девони ғазаллари илмий-танқидий ғазаллари матни асосида тайёрланган мазкур девон жомеъ луғати (конкорданс)и асосида *“дил”* (юрak) ва *“жон”* тимсолларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Бу борадаги илмий изланишларимиз ва энг сермахсул истилоҳлар атрофидаги фикр ва мулоҳазаларимиз шоир лироэпик асарлари замирида олиб борилган тадқиқот натижалари ва хулосалари, хусусан, М.Имомназаров ва А.Қуронбековларнинг бу борадаги илмий хулосалари билан таққосланди ва шу асосда шоир лирик ва эпик асарларида мазкур бадий тимсолларнинг қўлланилиш даражаси, ўзига хос белгилари, маъно жилolari, уларнинг муштараклик хусусиятлари, умумий ва бир-биридан фарқли жиҳатлари масаласига имкон қадар ойдинлик киритилди.

Амир Хусрав *“Тўҳфат-ус-сиғар”* девони ғазаллари жомеъ луғати таркибида *“дил”* сўзи 199 ва *“жон”* сўзи 95 маротаба қўлланилган.

Хусрав Дехлавийнинг ғазалиётини ўрганиш ва унда *“дил”* сўзининг қандай мақсадлар билан ишлатилиши ҳамда маъноларини мисоллар орқали таққослаш ва луғатлар асосида таҳлил этиш шоир ижодида *“дил”* сўзининг луғавий маъносидан ўзга, яъни *“паноҳгоҳ ва маъшуқанинг энг муносиб манзили”* маъносида ишлатилишини аниқлаш имконини берди. Шу билан бирга синоним, омоним ва антоним шаклларда ишлатилиб, янги ва ноанъанавий хусусиятларни ўзига мужассам этган. Дил тимсоли ва бу

истилоҳнинг мажозий маъноси аслида шоирнинг поэтик маҳорати, унинг бадиий ҳаёлоти, тасаввуроти, дунёқарашининг миқёсига боғлиқ нарсас.

Таъкид жоизки, “дил” ва “жон” сўзлари Амир Хусрав “Тўҳфат-ус-сиғар” девони ғазаллари матнида гарчи лексик маъно жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса ҳам, аммо баъзан қўшма ва мажозий мазмун жиҳатдан икковининг мутаносиб ҳолатлари ҳам учрайди. Албатта, бу ҳолат кўпинча шоир маҳорати ва унинг бадиий тимсол яратишдаги ўзига хос ижодкорлик қобилияти асосида амалга ошади.

“Дил” ва “жон” тимсолларининг қиёсий-типологик таҳлили натижаларига кўра, мазкур сўлиқлар шоир эпик асарлари матнида ирфоний истилоҳ сифатида ўзига тасаввуфий ва сўфиёна мазмун касб этмаган бўлса ҳам, шоир лирик асарлари, хусусан, “Тўҳфат-ус-сиғар” девони ғазаллари матни таркибида тадрижий равишда ирфоний истилоҳ сифатида ҳам қўлланилган.

“Амир Хусравнинг бир ғазалида бадиий тимсоллар силсиласининг қиёсий таҳлили” дея ном олган иккинчи фаслда шоирнинг “яхши” (хуб), “мактуб” ва “ошўб” (ғавфо) қофияси билан келтирилган алоҳида ғазали таҳлилга тортилган.

Амир Хусрав Деҳлавий ижодкорлик маҳоратини ўз замонаси шеърятининг деярли барча шакллари ва жанрларида синаб, ниҳоятда кўп назмий ва насрий асарлар яратишга муяссар бўлган. Шоир ижодиётида бошқа жанрларга қараганда ғазал жанрининг ўрни салмоқлидир. Айниқса, шоир девонида “яхши” (хуб), “мактуб” ва “ошўб” (ғавфо) қофияси билан келтирилган алоҳида бир ғазали бошқа ғазалларга нисбатан ўзгача бир оҳанг ва услубда яратилган. Зеро, унда ирфоний истилоҳлар маъно жиҳатидан мантиқий занжир каби бир-бирига чамбарчас боғлиқ тарзда ажойиб маъно товланишларни акслантириб, шоирнинг тасаввуфий ва ахлоқий тасаввуроти нақадар кенг ва теранлигини намоён этган. Ушбу ғазал шаклий жиҳатдан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ундаги сўз-тимсолларнинг ўзаро мантиқий боғлиқлиги, мазмун ва мундарижанинг ғоявий уйғунлиги, сўз-тимсоллар орасидаги ажабтовур боғланишлар, муродиф сўзларининг маъно жиҳатдан бир-бирига яқинлаштирилиши, сўзларнинг поэтик семантикасига хос мураккаб боғланишлар ва ноанъанавий маънолар касб этиши мазкур ғазални шоирнинг бошқа ғазалларидан ёрқин фарқланишига сабаб бўлган.

Ғазал шундай бошланади:

زيهی نموده از آن زلف و خال و آرز خوب، یکی سواد و دوم نکته و سوم مکتوب.

(Хуб эрур ул зулфу холу зебо юзунг,
Бири саводу бири нуқтаву бири мактуб).¹

Агар яхшироқ назар солсак, ғазал давомида “зулф” сўзи ирфоний истилоҳ сифатида ташбеҳ санъати воситасида ғазалнинг бошидан охиригача “савод,” “бало,” “мурод,” “жудо” (айрилик), “ғулом,” “ҳузур,” “шароб” сўзларига маъно жиҳатдан мутобиқ тарзда келтирилган. Биринчи байтдаги

¹Деҳлавӣ Амир Хусрав. Осори мунтахаб: дар 4 ҷилд. Ҷилди чорум. - Душанбе: Ирфон, 1975. -66 с.

“зулф” сўз-тимсоли “хол” ва “*ораз*и *хуб*” (“гўзал чехра”) сўз-тимсоллари билан туб маъноси жиҳатидан туташ бўлиб, ўз навбатида булар ҳам ғазалнинг матлаъ байтидан мақтаъ байтигача муродифот тарзида келтирилган. Масалан, “хол” сўзи “зулф” истилоҳининг баъзи семантик хусусиятларини ўзида мужассам этган манба сифатида, ғазалнинг бошидан охиригача “*нуқта*,” “*фитна*,” “*мунис*,” “*золиб*,” “*давлат*,” “*шодий*” (хурсандчилик) ва “*соқий*” сўзларига қиёсланган. “гўзал чехра” (ораз и хуб) сўз бирикмаси ҳам семантик нуқтаи назардан “*мактуб*,” “*ошўб*” (ҳаяжон, изтироб), “*матлуб*,” “*мағлуб*,” “*маркуб*,” “*маҳбуб*” ва “*руҳи хуб*” (гўзал чехра) сўзларига қиёсланган. Бундан шун хулосага келиш мумкинки, шоирнинг мазкур ғазалида умумий тарзда 24 сўз-тимсол мазмун жиҳатдан бир-бирига қиёсий тарзда тасвирланган.

Ишнинг бу фаслида ғазал байтларидаги қиёс ва ташбеҳларни бирма-бир кўриб чиқиб, уларнинг ҳар бир келгуси байтидаги сўз-тимсоллар ўзидан олдинги байтдаги муқобиллари билан қандай узвий боғланишга эришилганлиги, қай даражада мазмунан мутаносиб ва мантиқан боғлиқ эканлиги асосланган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Амир Хусрав Дехлавий ғазалиётида сўз-тимсолларнинг мажозий ва ирфоний-тасаввуфий маъно талқинлари**” деб номланади. Бобнинг “*Ишқ*” ва “*гул*” сўз-тимсолларининг мажозий ва ирфоний-тасаввуфий маъно талқинлари” дея номланган биринчи фаслида мазкур сўзларнинг Амир Хусрав Дехлавий ғазалиётида бадий тимсол даражасига кўтарилиш сабаблари, уларнинг асл-лексик маъносидан ташқари рамзий, маъжозий ҳамда ирфоний-тасаввуфий маъноларда қўлланилишининг асосий омиллари атрофлича таҳлил этилган.

“Ишқ” масаласи бадий адабиёт ва ҳар бир ижодкор шеърятининг муҳим ва долзарб мавзуларидан биридир. “Ишқ” шоир ҳис ҳаяжони, орзу ва армонлари ҳамда ҳою ҳавасларини ифодалаш билан бирга, унинг ички олам кечинмалари ва зоҳирий руҳий ҳолати даражасини белгилаб берадиган муҳим омил саналади. Шу нуқтаи назардан “ишқ” сўзи форс-тожик классик адабиёти поэзиясида умумистеъмол ва кўпмаъноли сўз сифатида турли мажозий маъноларда қўлланилган. “Ишқ” сўзи Амир Хусрав Дехлавий “Тўҳфат-ус-сиғар” девони ғазаллари жомеъ луғатида лексик, мажозий ва ирфоний маъноларда “ишқ” шаклида 26 ва “ишқат” (ишқинг) қолибида 5 марта қўлланилган бўлиб, унинг умумий миқдори 31 ададга етган. “**Шикористони ишқ**” (*ишқнинг ов манзили*) сўз бирикмаси Амир Хусравнинг “ишқ” сўзи воситасида яратган ноанъанавий ва янги талқиндаги ўзига хос сўз бирикма бўлиб¹, Ҳофиз Шерозий ғазаллари² ва Абдурахмон Жомий ғазаллари конкорданс луғатида³ умуман қўлланилмаган. “Ишқ” сўзи шарҳи келтирилган «Фарҳанги забони тожикий», “Маснави маънавий

¹Юқоридаги манба. -203.

²<https://www.sattor.com/hofiz.pdf> Ҳофиз Шерозӣ. Ғазалиёт. 280 с.

³Абдурахмон Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб” девонининг жомеъ луғати (конкорданси).//Мураттиб: Мажитова С.Ж. –Тошкент: Фан ва технология. 2018. -934 б.; Абдурахмон Жомийнинг “Воситат-ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” девонининг жомеъ луғати (конкорданси).//Мураттиб: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018.-904 б.

луғати”, “Рўдакий шеърятти луғати”, “Тожиқ фразеологик бирликлар луғати” ва бошқа бир қатор луғатларда ҳам назарда тутилган сўз бирикмалар келтирилмаган.

“Ишқ” сўзи шоир ижодиётида унинг образ яратиш маҳорати ва тасвирлаш қобилияти асосида сўз-тимсол сифатида сайқал топиб, ишқ йўлидаги “жасорат ва шужоат, жавонмардлик, олийҳимматлик, ишқнинг пок ва муқаддас маъноси ва манзили, мартаба ва мансаб, тариқат зина ва пиллапоялари ҳамда маънавий камолот мақоми” маъноларида қўлланилган бўлса, “гул” сўзи “гуноҳсизлик ва комиллик, илоҳий дийдор, ўткинчи ва қисқа умр, беғубор хотира, ёшлик ва бебошлик, муаттарлик ва ифтор манбаи, мақсад ва мурод, гўзал ҳусн, илоҳий асрорнинг кашф этилиши, муайян мартаба ва мақом эгаси эканлик, барча бало ва қазолар мазҳари ва риёкорлик ҳамда иккиюзламачилик” маъноларида ишлатилган.

[227,138] شفاعت آدم ای دوستیده خود را، کز او میوش گل نودمیده خود را.

*(Шафоат келибон, эй дўст дидамни,
Ки очилган гулингни ёпмагин ундан).¹*

Байтда “гул” сўзи лексик жиҳатдан янги ўсган ва янги чиққан оддий табиий гул ва унинг очилган ғунчаси маъносида қўлланилган бўлиб, унинг маъновий белгиси “навдамида” (янги очилган) сўзидир. Бошқа жиҳатдан “дида” ва “дўст” от сўз туркуми ҳамда “мапўш” (ёпма) феъл сўз туркуми мазмунан “гул” сўзи билан мутаносиб бўлиб, илоҳий маъшуканинг гўзал ва беназир ҳусни ва чиройига ишорадир. Яъни “дўст” сўзи маҳбуба рамзи, “дида” (кўз) сўзи ошиқ манбаи ва “мапўш” (ёпма) сўзи солиқ илтижову илтимоси маъносида қўлланилган.

“Ишқ” ва “гул” сўзларнинг баъзи маънолари айрим луғатларда келтирилмаган бўлиб, булар Амир Хусравнинг мазкур тимсоллар воситасида яратган ўзига хос янги мажозий маънолари ҳисобланади. Масалан, “ишқ” истилоҳи шоир ғазалларида баъзан антоним сўз сифатида муқобил маъноларда, яъни “мақтул ва қатл этгувчи” ва аксинча “ҳаёт ва жон ато этгувчи ва яратувчи” иксир маъноларида ҳам ишлатилган.

Иккинчи фасл “Чашм” (кўз) ва “абрў” (қош) сўз-тимсолларининг мажозий ва ирфоний-тасаввуфий маъно белгилари” деб номланган. Мазкур фаслда “чашм” ва “абрў” сўз-тимсолларининг мажозий ва ирфоний-тасаввуфий маънолар шарҳи келтирилган.

Амир Хусрав “Тўхфат-ус-сиғар” девонидаги 132 ғазалда “чашм” (кўз) сўзи ҳам оддий сўз ва ҳам сўз-тимсол сифатида турли хил лексик, мажозий ва ирфоний-тасаввуфий маъноларда 86 маротаба ишлатилган.² Мазкур сўз баъзан алоҳида тарзда ва айрим ҳолатларда ўзига мазмун ва мантиқ жиҳатдан яқин ва синоним бўлган сўзлар ва таъбирлар билан мутаносиб равишда қўлланилиб, шоирнинг илғор ва ўта муҳим қарашларини ифодаловчи восита сифатида ишлатилган. Жумладан, “*чаши хуршед*” (*кўёш кўзи*) 48-ғазал, 4-

¹Ярашов Ш. Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Тўхфат-ус-сиғар” девони конкорданси ва санама сўзлиги (частотали луғати). - Самарқанд: СамДУ, 2020. 138 б.

²Юқоридаги манба. -203 б.

байт, *“чаши тўфонзо” (тўфоняратувчи кўз)* 50-ғазал, 1-байт, *“ашики чаши” (кўз ёши)* 110-ғазал, 3-байт сўз бирикмалари Амир Хусравнинг ўзига хос услубига тааллуқли бўлиб¹, булар Ҳофиз Шерозий² ва Жомий ғазаллари матнида³ қўлланилмаган.

